

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Пластик карталарни ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар муддати узайтирилди

Президентнинг 2.02.2017 йилдаги ПҚ-2751-сон қарори билан республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Хусусан, ҳужжатда банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун банк микропроцессор пластик карточкалари, тўлов терминаллари, банкоматлар, инфокиоскалар ва пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар импорт қилинганида божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилиши тарзидаги божхона им-

тиёзлари муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Бундан ташқари, худди шундай муддатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича чакана тўлов тизимлари процессинг марказлари дастурий таъминот, банкоматлар ва пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналарни импорт бўйича олиб киришда божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади.

Мазкур имтиёзлар мақсадли хусусиятга эга бўлганлиги боис, уларни қўллаган ҳолда олиб кириладиган хом ашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот воситалари ва лицензиялардан мақсадга ҳилоф тарзда фойдаланилган тақдирда, божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан божхона тўловларининг тўланмай қолган суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкцияларни

қўлланган ҳолда давлат бюджетига ундириб олинади.

Шу билан бирга мамлакат банк секторига қуйидаги масалалар юзасидан иш олиб бориш топширилди:

○ истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш учун пластик карточкалардан фойдаланиш асосида турли хил кредит маҳсулотлари жорий этилишини;

○ пластик карточкалардан фойдаланувчиларнинг уларни ишлатишдан манфаатдорлигини ошириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган турли хил бонус, дисконт ва рағбатлантирувчи дастурларни савдо-сервис ташкилотлари билан биргаликда татбиқ этиш амалиёти кенгайтирилишини;

○ самарали, замонавий ва қулай тўлов воситаси сифатида пластик карточкалардан фойдаланиш афзалликлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга йўналтирилган ташкилий тадбирлар тизимли асосда ўтказилишини.

Буюк келажакка муҳим қафолат



Жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда таъминотларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш вазифалари олдимизда долзарб бўлиб турмоқда.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан буён мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийлиги таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимизнинг барча фуқаролари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, республика Президенти Фармони билан амалиётга татбиқ этилаётган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси бу йўлдаги навбатдаги дадил қадамлардан бўлди.

Ушбу ҳужжат лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилиниши ҳамда қабул қилиниши юртимизда очiq демократик ўзгаришлар тақомиллашгани, аҳолининг мамлакат социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишининг устувор йўналишларини белгилашда фаол қатнашганлигини кўрсатади ва бу Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривож топаётганидан, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалаётганидан далолат беради.

Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда барча соҳаларни либераллаштириш ва модернизациялаш, амалга ошириладиган ишхотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш каби кенг қўламли ишхотларни ҳаётга изчил татбиқ этишни кўзда тутди. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини ривожлантириш, жаҳон ҳам-жамиятида мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада ошириш, хавфсизлик, диний

Тошкент шаҳри учун минимал ер солиғи

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 6.02.2017 йилда 2203-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори қиритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариш ва қўшимча киритилди.

Эслатиб ўтамоқчи, мазкур Низомда назарда тутилган тартибга кўра ЯСТ тўловчилар эгаллаб турган ер участкасининг майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солигининг 3 бараваридан кам бўлмаган миқдордаги ЯСТни бюджетга тўлашлари шарт. Бунда ЯСТнинг энг кам миқдорини аниқлашда мазкур жой ва ер тоифаси учун белгиланган ер солигининг энг кам ставкаси ҳисоб-китобга қабул қилинади.

Низомга киритилган тузатиш-

ларга мувофиқ ЯСТнинг энг кам миқдорини аниқлашда ер солигининг энг кам ставкаси фақат Тошкент шаҳрида жойлашган ер участкаларига қўлланади (5-зона учун 22 813 125 сўм этиб белгиланган).

Республиканинг бошқа минтақаларида жойлашган ер участкаларига мазкур жой ва ер тоифаси учун белгиланган ер солиғи ставкаси қўлланади.

Ушбу ўзгаришлар расмий эълон қилингунига қадар Низомнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ЯСТ тўловчилар солиқ органларига Ягона солиқ тўлови энг кам миқдорининг маълумотнома-ҳисоб-китобини (АВ томонидан 3.03.2011 йилда 2203-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга 2-илова) тақдим этиб бўлдилар, чунки уни тақдим этиш муддати 1 февралга қадар белгиланган.

Ер солиғи ставкалари ўзгаририлган солиқ тўловчилар солиқ органларига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ягона солиқ тўлови энг кам миқдорининг аниқлаштирилган маълумотнома-ҳисоб-китобини топширишлари керак.

Қарор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 13.02.2017 йилдаги 6-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

2-Бетда

2-Бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Ногиронлар ва кекса қариндошларни парваришлаш вақти қачон ва қай тарзда стажга ҳисобланади

Муаллифлик ҳақи пенсия миқдорига таъсир кўрсатадими

Маънавий зарарни қоплаш тўғрисида банкка даъво қилиш: қачон у асосли бўлади?

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Давлат ташкилотларини текшириш учун аудиторлар танлови соддалаштирилди

Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 7.02.2017 йилда 1668-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Энди танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилоти белгиланган шаклда ариза тақдим этиши керак.

Унга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига қуйидагича тузатиш киритилди:

○ қимматли қоғозлар бозори ихтисослиги бўйича маълумоти тўғрисида диплом нусхаси ёхуд қимматли қоғозлар бозори соҳасида малакага эга эканлигини тасдиқловчи меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

○ жавобгарлигининг сугурта полиси нусхаси;

○ аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган ички стандартлар рўйхати.

Ушбу ҳужжатлар 1 нусхада тақдим этилади. Аудиторлик ташкилотидан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Илгари шунингдек аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг нусхаси ҳамда аудиторлик ташкилоти раҳбари ва штатдаги аудиторларнинг малака сертификатлари нусхаси талаб этилар эди.

Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази томонидан Молия вазирлигидан ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг мавжудлиги, шунингдек раҳбар ва штатдаги аудиторларда амалда бўлган аудиторлик сертификатларининг (ариза берилган пайтда) мавжудлиги ҳақидаги ахборотлар мустақил равишда олинади.

Қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака аттестатининг мавжудлигини тасдиқлайдиган ахборот Марказнинг ўзида бўлади.

Шунингдек бошқа қатор ўзгартиришлар киритилди.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 13.02.2017 йилдаги 6-сонида расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Олег Заманов, Музаффар Мирзаганиев,
«Norma Online» экспертлари.

Буюк келажакка муҳим кафолат

бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни кучайтириш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳужжатнинг иккинчи – Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишини таҳлил қиладиган бўлса, республикамизда қонун устуворлиги ва қонунийлиқни таъминлаш масаласи республика раҳбариятининг доимий назоратида эканлигига ғувоҳ бўламиз.

Жумладан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш,

маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бирламчи вазифаси этиб белгиланди.

Санаб ўтилган мақсадларга эришиш учун 2017 йилнинг ўзида 25 дан зиёд турли хилдаги қонун ҳужжатлари, хусусан, 1 та Олий Мажлис қўшма қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармон ҳамда 5 та қарори, 4 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 5 та идора-

вий ҳужжатлар, жами 42 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда 15 дан ортиқ турли комплекс чора-тадбирларни белгилаш ва ижро этиш аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши юртимизда давлат ва жамият ҳамкорлигидан ўз олдига пировард мақсад қилиб қўйган натижаларга аниқ ва тизимли эришиш йўлларини белгилаб бериш билан бирга, ҳалқимизнинг янги марраларга эришиши, шунингдек, турмуш даражасининг янада оширилишига имкон беради.

С.Раҳметов,
Юристар малакасини
ошириш маркази тингловчиси.

Ҳўжалик юритиш қоидалари

Меҳмонхона хизматлари: ким ва қандай ҳақ тўлайди

Компаниямиз туризм соҳасида ишлайди ҳамда хорижий ва маҳаллий меҳмонларга хизмат кўрсатилиши учун меҳмонхоналар билан шартномалар тузади. Аксарият ҳолларда меҳмонхоналар ЎЗР фуқаролари ва хорижликлар учун яшаш қўймати-ни МБ курси бўйича АҚШ долларидан кўрсатадилар. Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги янги Фармони эълон қилинган муносабати билан 2017 йил 1 январдан бошлаб республика ҳудудидаги меҳмонхоналарда хорижий фуқаролар яшашига ҳақ тўлаш фақат эркин алмаштириладиган валютада МБ курсига боғланмаган ҳолда амалга оширилиши шарт. Фуқаролар учун ҳақ тўлашга доир муайян нормативлар мавжудми?

Л.Иброҳимов.

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар, шу жумладан ЎЗР фуқароларига меҳмонхона хизматларини кўрсатганлик учун, миллий валютада амалга оширилади («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси 1-қисми).

Меҳмонхоналар ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига асосан меҳмонхона хизматларини кўрсатадилар (ФКнинг 703–708-моддалари). Буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар учун шартномада назарда тутилган тартибда ва шаклда ҳақ тўлаши шарт («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси 1-қисми).

Шартнома шартларига биноан хизматлар нархи чет эл валютасида белгиланиши мумкин, бироқ ҳисобварақ-фактура чет эл валютасида ёзилиб, аниқ бир вақтда сумма ҳисобварақ-фактура ёзиб берилган санада МБ курси бўйича қайта ҳисобланган миллий валютада ифодаланган (Солиқ кодексининг 222-моддаси 11-қисми).

Шу тариқа, Ўзбекистон фуқароларининг меҳмонхонада яшаш қийматини томонларнинг ўзи сўмда ёки МБ курси бўйича сўмда тўлган ҳолда хорижий валютада белгилайдилар.

Меҳмонхона хизматлари ҳақини хорижий валютада тўлаш фақат хорижий фуқароларга ҳамда Ўзбекистонда доимий турар жойига эга бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади (2.12.2016 йилдаги ПФ-4861-сон Фармоннинг 10-банди).

Сабоҳат Султонова,
«Norma Online» эксперти.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 21 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари2574,39	1 Малайзия ринггити753,34
1 Англия фунт4167,56	1 Польша злотийси823,59
1 Дания кронаси479,31	1 СДР4548,16
1 БАА дирҳами913,98	1 Туркия лираси925,34
1 АҚШ доллари3356,87	1 Швейцария франки3346,50
1 Миср фунти212,86	1 ЕВРО3571,52
1 Исландия кронаси30,30	10 Жанубий Корея вонини29,29
1 Канада доллари2564,26	1 Япония иенаси296,66
1 Хитой юани488,86	1 Россия рубли58,24
	1 Украина гривнаси124,21

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	20.02.2017	1	1,7352	1	1,8425	1	0,0297
Арманистон	17.02.2017	1	486,74	1	517,99	1	8,43
Беларусь	20.02.2017	1	1,8731	1	1,9952	100	3,2497
Грузия	20.02.2017	1	2,6429	1	2,8150	100	4,5453
Қозғоғистон	20.02.2017	1	318,61	1	339,1	1	5,52
Қирғизистон	20.02.2017	1	69,1054	1	73,5834	1	1,1990
Молдова	20.02.2017	1	20,0355	1	21,3298	1	0,3445
Россия	18.02.2017	1	57,6342	1	61,4496	—	—
Тожикистон	20.02.2017	1	7,9458	1	8,4655	1	0,1364
Туркменистон	21.02.2017	1	3,5000	1	3,7139	100	5,9899
Украина	20.02.2017	100	2 702,6138	100	2 878,2837	10	4,6893

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

- **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Буюк келажакка муҳим кафолат 1-2-бетлар
- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси 1-2-бетлар
- **ҲўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
– Меҳмонхона хизматлари: ким ва қандай ҳақ тўлайди 2-бет

- **ПЕНСИЯ ИШИ**
– Наҳд пул шаклида берилади
– Наҳд пул ёки пластикани таллаш – пенсионернинг хоҳиши
– Яқинларингизга ёрдам керак бўлса
– Пенсионер учун муаллифлик ҳақи
– Сугурта бадалли суммасидан келиб чиқиб
– Буйруқлар ва маълумотномалар – далил бўлади

- Бу кимга керак?
– Қонун ҳужжатларига назарда тутилмаган
– Мажбурий иштирокчилар
– Улгурмадингизми – туланг
– Кимга қачон берилади
– ШЖБПХдаги ҳисобни ЯИДХП орқали текширинг
– Сугурта принципларида 3-6-бетлар

- **ҲУҚУҚ**
– Давлат корхоналари Палата аъзоси бўла оладими?
– Қўзғатилган жиноят иши: тафтиш ўтказишнинг аниқ процессуал тартиби белгиланди 7-бет
- **СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ**
– Айбсиз айбдор 8-бет

Таҳрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни ўқинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу сон материаллари ҳар бир ўқувчи учун қизиқарли бўлади. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппарати мутахассисининг ҳикоясидан ногиронлар ёки қарияларни парвариш қилаётганлар пенсия олиш-олмасликларини билиб оласиз.

Пенсияни ҳисоблаб чиқаришда стажни ҳисоблаш масаласи долзарблигича қолмоқда. Умид қиламизки, уларга берилган жавоблар юзага келган муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни **norma.uz** сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг **gazeta@norma.uz** ва **ntv@norma.uz** электрон манзилларига йўлланг.

Қонунчиликдаги янгилик

Нақд пул шаклида берилади

Президентнинг 2.02.2017 йилдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сон қарори қабул қилинди («СБХ»нинг 7.02.2017 йилдаги 6 (1174)-сонида чоп этилган).

2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб қуйидаги тўловлар нақд шаклда берилади:

- барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда;

- тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда;

- олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50%и.

Молия вазирлиги, Молия вазирлиги

ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятига пенсиялар қонунчиликда белгиланган муддатда ва шаклда, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай тўланишини таъминлаш топширилди.

Бундан ташқари, Бош прокуратурага нақд пул маблағлари ўз вақтида берилишини таъминламаётган тижорат банклари раҳбарлари ва мансбдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича нормалар амалда қандай қўлланилаётганини ўрганиб чиқиш топширилди.

БУГУНГИ СОНДА:

ЯҚИНЛАРИНГИЗГА
ЁРДАМ КЕРАК
БЎЛСА

Турмуш
мушкулликларидан
қандай чиқилади

2

ПЕНСИОНЕР УЧУН
МУАЛЛИФЛИК ҲАҚИ

Айрим буромадсиз
даромадлар ҳақида

4

БУ КИМГА КЕРАК?

Рўйхатга
киритилмаган

6

СУҒУРТА
ПРИНЦИПЛАРИДА

Хорижий тажриба

8

Маълумот учун!

Ишловчи пенсионерларга **ПЕНСИЯ ИШ ЖОЙИДА** иш ҳақини тўлаш билан бир вақтда тўланади. У **АЛОҲИДА** қайднома бўйича тўланади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Маълумот учун: Президентнинг 5.08.2005 йилдаги ПҚ-147-сон қарорида аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пулларни кечиктирмай тўлаш борасида ўрнатилган тартиб бир неча марта (ойига 3 мартадан кўпроқ) бузилган тақдирда, тижорат банклари ҳудудий бўлимлари ва филиалларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши лозимлиги назарда тутилган. Шунингдек Марказий банк нақд пул маблағлари беришни мунтазам кечиктириш ҳоллари мавжуд бўлганда тижорат банкларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари, ҳатто банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни қайтариб олиш чораларини қўллашга ҳақлидир.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

Долзарб масала

Нақд пул ёки пластикни танлаш — пенсионернинг хоҳиши

Президентнинг «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (2.02.2017 йилдаги ПҚ-2753-сон) қабул қилингандан кейин пенсионерлар пенсия тўловларининг бир қисmini аввалгидек пластик карточкага олишлари мумкинми ёки улар фақат нақд пул кўринишида тўланадими деган саволлар билан таҳририятга мурожаат қилдилар.

Бу саволга ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсиялар тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев қуйидагича тушунтириш берди.

— Пенсияни ёки унинг бир қисmini нақд пулсиз кўринишда банк пластик карточкасида олиш истагини билдирган пенсионерлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига қўл сонли мурожаатлар келиб тушгани муносабати билан 2017 йил 1 мартдан бошлаб пенсионернинг ўзи хоҳиш билдирган ҳолдагина нақд пулсиз кўринишда пенсия тўлавишига истисно тариқасида рухсат берилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.02.2017 йилдаги 13-227-сон хати).

Бунинг учун нақд пулсиз шаклда пенсия олмоқчи бўл-

ган пенсионерлар яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига тегишли ариза билан мурожаат қилишлари зарур. Банк пластик карточкаси бўлмаганлар аввал тижорат банкларида шартнома расмийлаштиришлари ва уни олишлари, кейин эса яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига ариза билан мурожаат қилишлари керак бўлади.

Хатда мансабдор шахсларнинг пенсионерларни нақд пулсиз шаклда пенсия олишга мажбурлаш, шунингдек пенсионерларнинг пенсияларни ёки уларнинг бир қисmini олиш шаклини эркин танлашларини чеклаш мақсадида ҳар қандай таъсир ўтказиш ҳолатида («тавсиялар» бериш, ишонтириш ва ҳ.к. йўли билан) шахсан жавобгарликка тортилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Вазият

Яқинларингизга ёрдам керак бўлса

Ҳаёт доим бир маромда кечавермайди. Бирон-бир вазият, касаллик, шароитнинг ўзгариши бир лаҳзада кундалик режаларни бузибгина қолмай, келажақда ҳам акс этиши мумкин. Хусусан, кескайганда кафолатланган пенсия олиш имкониятига таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

50 ёшида хаста отаси — 1 гуруҳ ногиронига қараб туриш учун ишдан бўшашга мажбур бўлган ўқувчимизнинг саволи ушбу материални ёзишга сабаб бўлди. Бу вақт пенсияни ҳисоблаб чиқараётганда стажига қўшилиш-қўшилмаслигини сўраган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин — Қонун) 37-моддаси 1-қисми «д» бандида қайд этилганидек, 1 гуруҳ ногиронига қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади, албатта. Бу қоида кишиларнинг 16 ёшгача бўлган ногирон

болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг ҳулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб туриши ҳолларига ҳам татбиқ этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев таъкидлаб ўтганидек, бунинг учун умумий стаж камида 7 йил бўлиши зарур.

Талаб этилаётган 7 йиллик даврга корхонанинг (ташкilotнинг) фаолият тури, мулкчилик ва ҳўжалик юрйтиш

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

шақлларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса, қиради. Куйидагилар: ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш; идоровий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат; яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият ҳам қўшиб ҳисобланади.

Тегишинча, агар 7 йиллик стаж бўлмаса (*Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а»–«г» бандлари*), қараб туриш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланмайди.

МИСОЛ. Фуқаро Маҳмудовнинг иш стажига 9 йилни ташкил этади. У онаси – I гуруҳ ногиронига 10 йил мобайнида қараб турган. Ёшга доир пенсияга чиқиш пайтида иш стажига 19 йилни ташкил этади.

Агар иш стажига атиги 5 йил бўлса, онаси – I гуруҳ ногиронига қараб турган 10 йиллик давр ёшга доир пенсияга чиқаётганда стажга қўшиб ҳисобланмайди.

7 йиллик иш стажига мавжуд бўлиши талаби фақат ёшга доир пенсия тайинлашда қўлланади.

Ногиронлик бўйича ёки бокучисини йўқотганлик пенсияси тайинланган ҳолда қараб туриш бўйича стажнинг ҳисобга олиниши бирмунча фарқланади. Бу вақт иш стажига муддатидан қатъи назар стажга қўшилади (*Қонуннинг 37-моддаси 3-қисми*). Бунда қанча бўлса ҳам иш стажига мавжудлиги ҳақида сўз бормоқда.

МИСОЛ. Фуқаро Маҳмудовнинг иш стажига – 1 ой. У онаси – I гуруҳ ногиронига 10 йил мобайнида қараб турган. Бу ҳолда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсияга чиққанда унинг иш стажига 10 йилу 1 ойни ташкил этади.

Унинг иш стажига бўлмаганда эса, онаси – I гуруҳ ногиронига қараб туриш даври (10 йил) ҳисобга киритилмайди.

Бунда I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача ногирон болага, шунингдек 80 ёшга тўлган кексага қараб туриш вақти стажга **фақат** қараб турган ва қараб туришга муҳтож бўлган шахс билан **бирга яшаган шахслардан бирига** қўшиб ҳисобланади (*Низомнинг 35-банди «д» қичик банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-шлова*).

Қараб туриш далили у амалга оширилганлигининг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси, шунингдек ногиронликда бўлганлигини (I гуруҳ ногиронлари ва ногирон болалар учун), ёшни (кексалар ва ногирон болалар учун) тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва ўзганинг парварishi зарур-

лиги тўғрисида (кексалар учун) даволаш муассасасининг тиббий ҳулосаси асосида белгиланади. Текшириш далолатномаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотлар ва қараб турилган шахслардан, шунингдек уларнинг қўшниларидан сўраб чиқиб асосида Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тузилади.

Текшириш далолатномалари **ҳар 12 ойда** расмийлаштирилади ва I гуруҳ ногирони ёки 80 ёшга тўлган кексаларнинг пенсия ишига тикиб қўйилади ҳамда қараб турган шахсга пенсия тайинлашда ушбу даврни иш стажига қириштириш учун **асос ҳисобланади** (*Низомнинг 65-банди*).

Далолатноманинг иккинчи нусхаси қараб турган шахсга берилади. Унга пенсия тайинлашда далолатномалар пенсия йиғмажилдига тикиб қўйилади. Улар махсус рўйхатга олиш китобида қайд этилади (*АВ томонидан 17.11.2011 йилда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқнома*).

Кексаларга қараб туриш далилини ҳар 12 ойда текшириш 2014 йилдан жорий этилган. Агар бундан илгари ҳам қараб турилган бўлса, бу 2014 йилдан кейин тузиладиган далолатномада қайд этилган бўлиши шарт. Бундай далолатномаларни тузишда ягона талаб қўйилади – қараб туриш даврини қараб турилган шахс тасдиқлаган бўлиши лозим.

Бемор ва кекса киши билан бирга яшаётган қариндошлар бир-бирининг ўрнини босиши мумкинми, деган савол туғилади. Айтилик, беморни аввалига турмуш ўртоғи, кейин қизи парварishi қилди. Бундай қилиш мумкин, бироқ мазкур ҳолат қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномасида қайд этилган бўлиши керак.

Кўпинча қараб турган шахснинг ўз оиласи, уйи бўлади. У қараб туради, бироқ бу қуну тун давом этмайди. Яъни келган заҳоти бемор ёки кекса қариндоши учун зарур ҳамма ишни қилиб кетади. Афсуски, бирга яшаш – қараб туриш даврини иш стажига қўшиш шартларидан бири саналади. Тегишинча, қараб турган шахслар ҳеч бўлмаса вақтинча қараб турилган киши яшаётган жойда пропискдан ўтган бўлишлари керак.

Агар бемор ёки кекса кишига қараб турган даврда қараб турувчи шахс иш ҳақи олмаган бўлса, пенсия қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилиши ҳам тушунарсиз. Зеро пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат фаолиятининг охириги 10 йиллигидаги иш ҳақи қабул қилинади.

Мазкур ҳолда иш ҳақини аниқлашда қараб туриш вақти меҳнат фаолиятининг охириги 10 йиллик даврига **киритилмайди** (*252-сон Низомнинг 87-банди*). Аввалги йиллардаги иш ҳақи ҳисобга олинади.

МИСОЛ. Фуқаро Маҳмудовнинг иш стажига 9 йилни ташкил этади. Пенсияга чиқиш арафасида охириги 10 йил мобайнида онаси – I гуруҳ ногиронига қараб турган. Тегишинча, пенсия миқдори Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а»–«г» бандларида мувофиқ қўшилган 9 йиллик иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Маълумот учун!

1941–1945 йиллардаги УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА санаторийларда йиллик соғломлаштириш курсини олиш **ЎРНИГА** йўлланма қийматига тенг компенсация **ОЛИШ** ҳуқуқи берилади.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Расмий жавоб

Пенсионер учун муаллифлик ҳақи

? Корхона радиоизотоп маҳсулот ишлаб чиқаради. Кўпгина технологиялар ноёб бўлиб, ихтиро учун патентлар билан ҳимояланган. Муаллифлар иш берувчи билан шартномага, жорий этиш ҳақидаги да-лолатномага ҳамда муаллифлар ўртасидаги шартномага мувофиқ муаллифлик ҳақини оладилар. ЯФИ қайта ташкил этилиб, кейинчалик штатлар қисқартирилгач, муаллиф ҳисобланган айрим пенсионер ходимлар ишдан бўшатилади. Яъни ҳозирги пайтда улар ишламаяптилар, иш ҳақи олмаяптилар, бироқ чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига қараб муаллифлик ҳақини оляптилар. Декабрь ойида Пенсия жамғармаси бўлими ушбу муаллифларга ишловчи пенсионерлар сифатида пенсиянинг ярмини тўлашини бирдан маълум қилиб қолди. Бироқ улар ишламаяптилар, ишдан бўшатирилганлар, иш ҳақи олмайдиладар. Фақат чиқарилаётган маҳсулот қандай ҳажмда бўлса, ўша даврларда ва ўша ҳажмда муаллифлик ҳақини оладилар. Муаллифлик ҳақи пенсия миқдорида таъсир ўтказадими?

ЎзР ФА ЯФИ «Радиопрепарат» корхонаси.

– Сизнинг ҳолатда пенсионерлар меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузмасдан муаллифлик ҳақини (ихтиро учун патентлар бўйича) оладилар. Уларни ишловчи пенсионерлар қаторига қўшиб бўлмайди. Фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан ёки жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар тарзида мулкий даромадларга ва ҳ.к. эга бўлган пенсионерлар билан ҳам шундай (Солиқ кодексининг 176-моддаси). Уларга пенсия тўлиқ тўланади.

Масалага янада ойдинлик киритиш учун қайси пенсионерларни ишловчи-

лар сирасига киритиш лозимлигини эс-латиб ўтаман. Улар жумласига меҳнат шартномасига ёхуд предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган, ушбу даврда мажбурий давлат ижтимоий сугуртасини тўлаши лозим бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномага мувофиқ ишларни ва (ёки) бошқа фаолиятни бажарётган, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромад олаётган пенсионерлар киради (Солиқ кодексининг 172-моддаси).

Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида асарларни (илмий, адабий, санъат) нашр қилганлик (намойиш этганлик) учун муаллифлик ҳақини олувчи пенсионерлар ҳам ишловчи дея эътироф этилади. Муаллифлик ҳақини олиш,

тегишсинча, тўланаётган пенсия миқдори, башарти у ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдорида ошса (1.10.2016 йилдан – 292 940 сўм) (22.08.2016 йилдаги ПФ-4822-сон), таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолда уларга ишловчи пенсионерлар сифатида пенсиянинг фақат 50%и тўланади.

2014 йил 1 январдан бошлаб фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича ишлайдиган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдорида паст даромад (гонорар, тақдирлаш пули ва бошқалар) оладиган пенсионерга пенсия тўлиқ миқдорда иш жойи бўйича тўланади (252-сон Нuzомнинг 159-банди 2-хатбоиши).

Суғурта бадали суммасидан келиб чиқиб

? Қайнотам бутун умр ишчи – қимматбаҳо мебель ишловчи дурадгор бўлиб ишлаган, қарийб 42 йиллик иш стажига эга. 2000–2004 йилларда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган. Барча солиқларни виждонан тўлаган. Яъни: ҳар ойда Пенсия жамғармасига 1 ЭКИҲ ва солиқ инспекциясига 6 ЭКИҲ. Пенсия жамғармасига охириги 5 йиллик (2000–2004 йиллар) учун барча ҳужжатлар ва қвитанцияларни олиб келганда пенсиясини фақат 1 ЭКИҲ – ПЖга тўлаган бадалларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқаришларини, солиқ инспекциясига тўловларини эса инобатга олмасликларини айтишган. ПЖ бўлими ҳар ойда ПЖга тўланганидан 1 ЭКИҲдан келиб чиққан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорга пенсияни ҳисоблаб ёзиб, тўғри қилдими?

Раҳимов.
Тошкент ш.

– Якка тартибдаги тадбиркорлар иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахслар (деҳқон хўжалиқларининг аъзолари, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчи шахслар ва бошқалар) тоифасига киради. Уларнинг

пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинган иш ҳақининг миқдори Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

аниқланади (Қонуннинг 32-моддаси 4-қисми). Улар ишланган кунлар сонидан қатъи назар – ойига 1 ЭКИХдан кам бўлмаган миқдорда мажбурий тартибда тўланади (Солиқ кодекси-нинг 311-моддаси 1-қисми).

Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинган аниқ бир ой (йил) учун яқка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсининг; солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимнинг; деҳқон хўжалиги аъзосининг) даромади Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик) сугурта бадали суммасини Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) ва сугурта бадалларининг умумий ставкасига

бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади (ВМни 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Тўланган 6 ЭКИХ қатъий белгиланган солиқ ҳисобланади ва Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари саналмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқилса, **пенсия миқдори сугурта бадали суммаси – 1 ЭКИХдан ҳисоблаб чиқарилади.**

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун тадбиркорнинг даромади куйидагича ҳисобланади:

$149\,775 / (15 + 8) \times 100 = 651\,195,65$ сўм, бунда:

149 775 сўм – энг кам иш ҳақи – яқка тартибдаги тадбиркорлар учун сугурта бадалининг ойлик суммаси;

15% – ягона ижтимоий тўлов ставкаси (микрофирмалар ва кичик

корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун);

8% – 2017 йилги сугурта бадаллари ставкаси.

Тадбиркорнинг ҳисоблаб чиқарилган ойлик даромади (651 195,65 сўм) унинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинади.

Агар у, айтайлик, 1,5 ЭКИХ миқдоридagi сугурта бадалларини тўлаганда, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун тадбиркорнинг даромади, тегишинча, юқориқў бўлар эди:

$149\,775 \text{ сўм} \times 1,5 = 224\,662,5 \text{ сўм}$ (1,5 ЭКИХ ҳисобидан келиб чиққан ҳолда яқка тартибдаги тадбиркор тўлаган сугурта бадали суммаси).

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган тадбиркорнинг ойлик даромади 976 793,48 сўмини ($224\,662,5 / (15 + 8) \times 100$) ташкил этган бўларди.

Буйруқлар ва маълумотномалар – далил бўлади

? *Аёл тарбиячи бўлиб ишлаган ва 34 йилу 4 ойлик узлуксиз стажга эга. Меҳнат дафтарчасида 1982 йил апрелда ишга қабул қилинганлиги ҳақида фақат битта ёзув ва 2016 йил августда ишдан бўшатишганлиги ҳақида битта ёзув қайд этилган. Бунда у 2 йилу 9 ой болани парвартириш таътилида бўлган. Хоразм вилоят Янгиарқ туман Пенсия жамғармаси бўлимида пенсиясини ҳисоблаётганда 30 йиллик стажини ҳисобга олдидилар. 1991 йилда маълумотномада 9 ой кетма-кет ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи мавжудлиги, Пенсия жамғармасига ажратмалар эса қўрсатилмаганлиги боис қолганларини чиқариб ташладилар. Шунингдек меҳнат таътилида бўлган ойлари, иш ҳақи ва таътил пули бир ойда ҳисоблаб ёзилган, кейинги ойда эса иш ҳақи ва бадаллар қайд этилмаган ойлари ҳам чиқариб ташладилар. Оқибатда 4 йил иш стажига кирмади. Шу тўғрими?*

М.М.

Хоразм вилояти.

– Меҳнат таътили даврларини иш стажига қўшиш учун таътилда бўлганлик ҳақидаги тегишли буйруқларни тақдим этиш ёки, имкони бўлса, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномада ҳисоблаб ёзилгани қайд этилмаган меҳнат таътили ҳақидаги маълумотларни кўрсатиш зарур.

Аёл бюджет ташкилотиди тарбиячи бўлиб ишлаганини ҳисобга олиб, Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсия тайинлаш бўйича комиссияси Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлангани ҳақида маълумотлар бўлмаган 1991 йилдаги 9 ойни иш стажига қўшиш (қўшмаслик) масаласини кўриб чиқиши мумкин.

Агар аёл Пенсия жамғармаси бўлимининг меҳнат фаолияти даврларини иш стажига қўшиш (қўшмаслик) ҳақидаги қарорига қўшилмаса, юқори органга ёки судга мурожаат қилишга ҳақли.



Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Бу кимга керак?

? Юнусобод туман Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилдим. Бунинг учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда ФХДдан маълумотнома олиб келишимни ҳам сўрашди. Гап шундаки, бир пайтлар никоҳдан ўтганман. Турмушим бузилганига анча бўлган. Ажрашгандан сўнг фамилиямни ўзгартирмаганман. Бўлим ходими иккинчи марта турмушга чиқмаганлигим ҳақида маълумотнома олиб келишимни сўради. Пенсия тайинлашда бундай маълумотнома нима учун керак? Ҳужжатлар рўйхатида бундай маълумотнома қайд этилмаган. Пенсия жамғармаси бўлимининг талаблари тўғрими?

Н.Самонина.
Тошкент ш.

— Бу ҳолда Пенсия жамғармаси бўлими ходимининг талаблари ҳуқуққа зид. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатида (252-сон Низомнинг 12-банди)

фамилия, исм, ота исми ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ҳужжат назарда тутилган — сизнинг ҳолатда никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома шундай ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Тегишинча, агар

фамилиянгизни ўзгартирмаган бўлсангиз, ёшга доир пенсия тайинлаш учун, шу жумладан тақрорий никоҳ тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуққа зид.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган

? Ўзбекистон Қуrolли Кучларида фельдшер лавозимида контракт бўйича хизмат қилганман. Тиббиёт билим юртини тугатганман, тегишли тиббий мутахассислик бўйича ўрта махсус таълим олганман. 2 йил ўқиганман. Тиббиёт билим юртида ўқиш ҳарбий стажга кириши мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу қайси қонунда қайд этилганлигини айтсангиз.

Эргаш Ю.
Чирчиқ ш.

— Қонун ҳужжатларида тиббиёт билим юртида ўқиш ҳарбий стажга кириши мумкинлигини белгилловчи норма мавжуд эмас.

Олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, докторантурада,

катта илмий ходим-изланувчилар институтида ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «е» банди).

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсиялар тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи.

Бизга мактуб йўллабсиз

Мажбурий иштирокчилар

? Мен — Ўзбекистон Қуrolли Кучлари пенсионериман. Пенсиямни Мудофаа вазирлиги тўлайди. Айни пайтда ишляпман. Иш ҳақимдан ШЖБПХга бадаллар ушлаб қоляптилар. Шу тўғрими?

Н.Ч.
Тошкент ш.

— Меҳнат фаолиятини меҳнат шартномалари бўйича амалга ошираётган фуқаролар, улар жумласига ишловчи пенсионерлар ҳам киради, агар ушбу ходимлардан қонунга мувофиқ жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ушланса, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар сифатида жамғариб

бориладиган пенсия тизимининг мажбурий иштирокчилари ҳисобланадилар. Фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий бадаллари бюджетга тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловларга тенглаштирилади (АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1, 2-бандлари).

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Улгурмадингизми – тўланг



Қариндошим – ногирон пенсионер. У объектив сабабга кўра пенсияни 4 ой кеч расмийлаштирди. Тегишинча, солиқ инспекцияси шу давр учун мол-мулк солиғини ундириб олди. Квартира майдони 50 кв.метрдан кичик. Солиқ органларининг хатти-ҳаракатлари тўғрими?

Реутова.

Тошкент ш.

– Пенсионернинг мулкида бўлган умумий майдондан 60 кв.м ҳажмидаги мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи солинмайди (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорга 19-иловага изоҳларининг 2-банди).

Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади (Солиқ кодексининг 275-моддаси 1-қисми 5-банди). Шу тариқа, солиқ органи пенсия расмийлаштирилгунга қадар бўлган давр учун солиқни ҳақти равишда ушлаб қолган.

Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида I ва II гуруҳ ногиронларига ҳам берилади (Солиқ кодексининг 275-моддаси 1-қисми 6-банди).

Кимга қачон берилади



Боқувчимни йўқотганлигим муносабати билан пенсия оламан. Ишга кирмоқчиман. Бунда пенсия тўлашда давом этадиларми?

Нишинов.

Тошкент ш.

– Боқувчисини йўқотганлик муносабати билан пенсия олувчи киши ишга жойлашса, унга ишловчи пенсионер сингари 50% миқдорда пенсия тўлайдилар. Бу ҳолида уни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерларга татбиқ этилмайди. Уларга қуйидагилар қиради: уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар; Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки

фронт орқасида ишлаган шахслар; I ва II гуруҳ ногиронлари; Чернобыль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар; фуқаролар йигинлари ва маҳаллаларнинг раислари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга – ёшга доир пенсияни олганда. Шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий тарзидаги шартномалар бўйича

ишлайдиган ва ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдоридан паст даромад оладиган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

Ишловчи фуқаро (васий) бошқа оила аъзоларига (васийликка олинганларга) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олса, унга тўлиқ миқдорда пенсия тўланади (АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2, 22-бандлари).

АКТ – амалда

ШЖБПХдаги ҳисобни ЯИДХП орқали текширинг

Ўзбекистон Халқ банки Ягона давлат хизматлари порталида жисмоний шахслар учун янги интерактив хизматни тақдим этмоқда.

Энди фуқаролар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги (ШЖБПХ) жамғармалар ҳолати ҳақидаги ахборотни онлайн режимида олишлари мумкин. Бунинг учун жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами бўлган ЭРИ-калитига эга бўлиш зарур.

Хизмат автоматик равишда, куну тун ва бепул тақдим этилади. Зарур ахборотни олиш учун ШЖБПХ рақамини албатта қайд этган ҳолда электрон шаклни тўлдириш керак бўлади. Хизмат кўрсатилиши учун бошқа хужжатлар сўралмайди. Жавоб фойдаланувчининг шахсий кабинетига ва электрон почтасига юборилади.

Саида Жонизоқова,
муҳбиримиз.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Хорижда

Суғурта принципларида

Бозор иқтисодиёти шароитида Қирғизистонда суғурта принциплари асосланган пенсия тизими модели танланган. Пенсия миқдори шаклланишида суғурталанган шахслар ҳам, иш берувчилар ва давлат ҳам иштирок этади.

Республикада яшовчи суғурталанган фуқаролар, давлат пенсия ижтимоий суғуртасига бадаллар тўловчи хориқликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар пенсия олиш ҳуқуқига эгалар.

Шахслаштирилган ҳисоб пенсия тизимининг негизи бўлади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ уни республика Ижтимоий фонди юритади.

2010 йил 1 январдан буён Қирғизистон Республикасида учта компонентдан таркиб топган пенсия тизими фаолият юритади:

- давлат мажбурий солидар пенсия тизими;
- мажбурий жамғарма компонент;
- ихтиёрий шахсий жамғарма тизими.

Пенсия миқдори суғурталанган шахс қўйилмасига бевосита боғлиқ – қўйилма қанча кўп бўлса, шахсий суғурта ҳисобварағида жамғарилган суғурта бадаллари қанча кўп бўлса, пенсия миқдори шунча кўп бўлади.

Пенсиялар қуйидаги сабабларга кўра тўланади:

- кексалик (пенсия ёшига тўлганлик);
- ногиронлик;
- боқувчисини йўқотганлик.

Бир неча асосга кўра пенсия олиш ҳуқуқи юзага келган шахсларга уларнинг танловига кўра битта пенсия тайинланади.

Суғурта бадаллари, иш берувчилар ва республика бюджетидан маблағлари пенсия тўловларининг манбаи ҳисобланади. Давлат ижтимоий суғурта тизимида ёшга доир пенсияга чиқаётганда ёш билан боғлиқ бир қатор имтиёзлар (алоҳида меҳнат шaroитлари, катта меҳнат стаж ва ҳ.к.) назарда тутилган. Ҳар бир ҳолатда қонун ҳужжатлари билан тўлов манбаи белгиланган. Масалан, алоҳида меҳнат шaroитлари учун пенсиялар иш берувчининг маблағларидан, ёшга

доир пенсиялар – ижтимоий суғурта маблағларидан тўланади. 5 ва ундан ортиқ бола туққан ва уларни 8 ёшгача тарбиялаган она, болаликдан ногирон фарзанднинг онасининг ёшга доир пенсиялари – республика бюджетидан маблағларидан тўланади ва ҳ.к.

Умумий пенсия солидар (базавий ва суғурта пенсияларидан) ва жамғарма қисмлардан таркиб топган,

базавий ва суғурта қисмларидан ташкил топган боқувчисини йўқотганлик учун пенсия бундан мустасно. Пенсияларнинг фақат суғурта қисмлари индексация қилинади.

Эраклар учун пенсия ёши 63 ёшни, аёллар учун 58 ёшни ташкил этади.

Интернет тармоғи материалларидан.

Бизнинг маълумотнома

ЎЗБЕКИСТОНДА кўпгина бошқа мамлакатларда бўлгани сингари солидар пенсия тизими амал қилади, бунда айни пайтда ишловчи кишилар ўз ажратмалари билан давлатнинг ҳозирги пенсионерларни таъминлаш харажатларини қоплайдилар. У «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

Давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланган: ёшга доир; ногиронлик бўйича; боқувчисини йўқотганлик муносабати билан.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эраклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Бунда қонун ҳужжатларида муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқиш учун анча кенг имкониятлар назарда тутилган (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 1, 2, 3-руйхатлар). Қўшимча равишда – Чернобыль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашганлар учун, кўп болали оналар учун, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар, 54 ёшдан пенсия олиш имкониятига эга бўлган аёллар ва б. у.чун бошқа имтиёзлар назарда тутилган.

Ёшга доир пенсиялардан ташқари, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан нафақа тўланади. 65 ёшга тўлган фуқаролар ёшга доир нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

2005 йилда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун амалга киритилиб, унда мамлакатимиздаги пенсия тизимининг иккинчи – жамғариб бориладиган элементи белгиланди. У фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақларида шахсий маблағлари жамғарилиши принципига асосланган.

Пенсия тизими асосан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида тўпланадиган иш берувчилар ва ходимларнинг мақсадли ажратмалари ҳисобига молиялаштирилиб, унинг маблағларидан пенсиялар тўланади.

Пенсия жамғармаси маблағлари қуйидаги манбалардан шаклланади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан иш берувчиларнинг ажратмалари (ягона ижтимоий тўлов);
- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари;
- товарлар, ишларни сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар;
- бошқа даромадлар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорларнинг бадаллари ва фуқароларнинг ихтиёрий суғурта бадаллари.

Бунда ЯИТ Пенсия жамғармаси даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Маевуви сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Бизни Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига қандай ташкилотлар аъзо бўла олиши масаласи қизиқтиради.

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги 712-II-сон Қонуннинг 9-моддасига асосан Ўзбекистоннинг тадбиркорлик фаолияти субъектлари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган бошқа ташкилотлар Палата аъзоси бўлиши мумкин.

Лекин амалиётда қонун ҳужжатларига кўра Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиши мумкин бўлмаган, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланмайдиган, 100 фоиз давлат улушига эга бўлган давлат ва давлат унитар корхоналари аъзо қилиниб, уларнинг манфаатида тадбиркорлик фаолияти субъектларига қарши судларга даъво аризалари киритилмоқда.

Палата ходимлари юқоридаги Қонунда давлат ва давлат унитар корхонаси Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилмаганлиги, шунинг учун ҳам давлат корхоналари Палатага аъзо қилиниши мумкинлигини ваз қилишмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Савдо-саноат палатасига фақат тадбиркорлик фаолияти субъектлари аъзо бўлиши мумкинми ёки давлат унитар корхоналари ва 100 фоиз давлат улушига эга бўлган бошқа корхоналар ҳам аъзо қилиниши мумкин-мумкин эмаслигини сўрамоқчи эдик.

В.Л.Муҳитдинов,
«Макон сервис центр» ЖК муассиси.

Давлат корхоналари Палата аъзоси бўла оладими?

— Ҳа, давлат унитар корхоналари ва устав фондида давлат улуши (100 фоиз ёки ундан кам) бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳам бошқа тадбиркорлик субъектлари билан бир қаторда Савдо-саноат палатасига (бундан кейин — Палата) аъзо бўлишлари мумкин. Ҳақиқатан ҳам «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасининг 1-қисмига биноан Ўзбекистоннинг тадбиркорлик фаолияти субъектлари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган бошқа ташкилотлар Палата аъзоси бўлиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, давлат корхонаси деганда давлат бошқарув органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан таъсис этилган унитар корхона шаклидаги тижорат ташкилоти тушунилади (16.10.2006 йилдаги 215-сон ВМҚга илова, 2-банднинг 2 ва 3-хатбошлари).

Модомики, давлат унитар корхонаси тижорат ташкилоти (фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган) экан, у шу билан бирга тадбиркорлик субъекти ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат айрим бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарда иштирок этишга (акцияларга, устав фондидаги улушга ёки ҳиссаларга эга бўлишга) ҳақлидир. Масалан, бундай кор-

хоналар ҳўжалик жамиятлари («Давлат тасарруфидан чиқариш ва хўсуслилаштириш тўғрисида»ги Қонун 12-моддаси 2-бандининг 1 ва 4-хатбошлари), аниқроғи масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият ва ёки акциядорлик жамияти бўлиши мумкин (ФК 59-моддасининг 2-қисми). Ушбу жамиятлар давлат унитар корхоналари каби тижорат ташкилотлари бўла туриб (ФК 40-моддасининг 2-қисми), тадбиркорлик субъектлари деб ҳисобланади.

Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари бўлиб ҳисобланган давлат унитар корхоналари ва устав фондида давлат улуши (акциялар, улушлар) бўлган жамиятлар Палатага аъзо бўлишга ҳақлидир.

Шу билан бирга, бирон-бир қонун ҳужжатидан давлат унитар корхонасининг тадбиркорлик фаолияти субъектларига кириши тўғридан-тўғри кўрсатилмаганлиги, бу билан айрим шахсларда ушбу материаллимизда кўриб чиқилган масалани тушунишда қийинчиликлар вужудга келишини ҳисобга олиб, фикримизча, ушбу ҳолатни тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатга (дейлик, 16.10.2006 йилдаги 215-сон ВМҚга иловага) зарур қўшимча киритиш йўли билан бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Камол Музаффаров,
«Norma Online»
етақчи эксперти.

Кўзғатилган жиноят иши: тафтиш ўтказишнинг аниқ процессуал тартиби белгиланди

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиш ва уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, кўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-ҳўжалик фаолияти текширувларини (тафтишларни) тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг муддатини узайтиришнинг аниқ процессуал тартиби амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-418-сон Қонуни билан Жиноят-процессуал кодекс «Тафтиш» деб номланувчи алоҳида боб билан тўлдирилди. Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасига мувофиқ, кўзғатилган жиноят иши бўйича далилларни тўплаш тафтиш тайинлаш ва ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Бунда юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларни тафтиш қилиш иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни текшириладиган субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳўжатларини ва бошқа ҳўжатларини ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш йўли билан олиш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, тадбиркорлик субъектини тафтиш қилиш фақат унинг қонун ҳўжатларини бузганлиги фактлари бўйича кўзғатилган жиноят иши доирасида амалга оширилади ва бунда тафтишга тадбиркорлик субъектининг фақат кўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин.

Тафтиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланади.

Жиноят ишлари бўйича тафтишни Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати, Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг мутахассислари ўтказиши. Зарур ҳолларда, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёҳуд суднинг ажримига кўра бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам тафтиш ўтказиш учун жалб этилиши мумкин.

Кўзғатилган жиноят ишлари бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда адвокатларнинг мажбурий иштирокини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (АВ томонидан 28.01.2016 йилда 2757-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1–3-бандларига мувофиқ, кўзғатилган жиноят ишлари бўйича текширишлар уларни ўтказишнинг барча босқичларида тадбиркорлик субъект-

ларининг ваколатли вакиллари томонидан жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу ҳўжунинг рад этилиши ҳоллари бундан мустасно) амалга оширилади.

Текшириш бошланишидан олдин, текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг текширишда иштирок этиш учун адвокатни жалб этиш ёки унинг иштирокини рад этиш ҳўқуқи ёзма шаклда тушунтирилади, бу ҳақда баённома тузилади. Бунда адвокат хизматларидан фойдаланиш ҳўқуқининг рад этилиши тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширишнинг кейинги босқичларига жалб этиш учун монелик қилмайди.

Агар тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни жалб этиш истаги билдирилган бўлса, текширишни бошлаш адвокат этиб келгунга қадар 24 соатга тўхтатиб турилади. Адвокат 24 соат ўтгандан кейин тадбиркорлик субъектини ҳимоя қилишга киришмаган тақдирда, текшириш унинг иштирокисиз бошланади.

Тафтиш ўтказиш учун қуйидаги ҳўжатларнинг мавжуд бўлиши мажбурий ҳисобланади: тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим; ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи; тафтиш ўтказувчи шахснинг хизмат гувоҳномаси; тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома.

Тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахслар текшириладиган субъектнинг мансабдор шахсларини ёки вакилларини тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳўжатлар билан тафтиш ўтказиш бошлангунча қадар таништириши, шунингдек текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобига тегишли ёзувларни киритиши шарт.

Текшириладиган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тафтиш ўтказиш учун зарур

бўлган ҳўжатларни, ахборотни ва материалларни тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳўжатлар олинганидан ва улар билан танишиб чиқилганидан кейин тақдим этиши шарт.

Тафтиш ўтказиш муддати 30 календарь кундан иборат бўлиб, зарур бўлган ҳолларда текшириладиган субъектнинг ҳўжатлари ҳажми, фаолиятининг тури ва кўламлари ҳисобга олинган ҳолда, тафтиш муддати тафтиш ўтказувчи шахснинг асослангилган илтимосномасига кўра терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин. Бунда тафтишнинг умумий муддати уни ўтказиш муддатлари узайтирилиши инобатга олинган ҳолда, дастлабки тергов ва суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилишнинг муддатларидан ошмаслиги керак.

Тафтиш давомида текшириладиган субъектнинг ҳудуди ва бинолари текширувдан, шунингдек мол-мулки инвентаризациядан ўтказилиши мумкин.

Текшириладиган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома топширилган кун тафтиш ўтказиш тугалланган кун деб ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 187^ю-моддасида текшириладиган субъект мансабдор шахслари ва вакилларининг (жиноят процесси принциплари билан уйғунлаштирилган) ҳўқуқлари акс эттирилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241^ю-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарса, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганда Жиноят кодексининг 192^ю-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Отабек Ибрагимов,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
Юристар малакасини
ошириш маркази
тингловчиси.

Эълоқлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳўжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳўжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Мен банк билан тузилган ипотека шартномасига кўра ҳар ойда кредит тўлайман. Наевбатдаги ойга қолдиқ қолди. 23.11.2016 йилда банк талабнома жўнатди, мактубни 26.11.2016 йилда (шанба кун) олдим ва банк ходимларига тўлов топшириқномаларини кўрсатган ҳолда шу кунгидек банкка кредитнинг қолдиқ суммасини, шунингдек кейинги ой учун пулни ўтказдим.

Бироқ, маълум бўлишича, банк судга даъво ва талабномани бир куннинг ўзида берган экан. Руҳий зўриқиш, бунинг устига ҳомиладорлигим сабабли касалхонага тушиб қолдим. 15.12.2016 йилда мени судга чақирдилар, бироқ даъвогарнинг ўзи судга келмади.

Судья жорий пайтда банк олдида қарзим йўқлиги ҳақида маълумотнома талаб қилди. Ишни кўришни 21.12.2016 йилга қолдирди. Банкда ушбу маълумотномани беришдан 5 кун давомида бош тортидим. Даъвогар такроран келмаганлиги сабабли ишни кўришни яна 2 кунга қолдирдилар. Мен ишонч телефони орқали мурожаат қилдим, шундан кейин банк даъвосини қайтариб олди.

Кўрсатилган хатти-ҳаракатлари учун банкдан маънавий зарарни суд тартибиди ундириб олишим мумкинми?

Ж.Бектурсинова.

— Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги даъвоингиз (у банкка тақдим этилган ҳолда), башарти банк ходимлари ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат қилганликларини ва сизга кўрсатилган зарарни етказганликларини исботлай олсангиз, суд томонидан қондирилиши мумкин (ФКнинг 1021-моддаси 1-қисми¹).

Бироқ, даъво қилишдан аввал банк томонидан ипотека кредити тақдим этилиши ҳақидаги шартнома шартларига, шунингдек ушбу шартномага тааллуқли норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларга эътибор беришингиз зарур.

Хатингизга қараганда, кредит шартномаси бўйича асосий қарзнинг наевбатдаги (ойлик) қисмини қоплашни ва, тахминимизча, унга доир ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлашни атиги бир марта кечиктиргансиз. Бу ҳолда банкнинг масъул ходими кечиктириш сабабларини аниқлаш: сиз билан шахсан учрашиб, кечиктирилган ипотека кредити тўлашини таъминлаш чора-тадбирларини кўришингизни талаб қилиши шарт эди (ВМнинг 25.05.2009

Айбсиз айбдор ёки Ипотека кредити бўйича кечикиш юзасидан низоли ҳолат

йилдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 44-банди). Ушбу талаб, фикримизча, уни бартараф этиш учун муддатни белгиланган ҳолда кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги ҳолати юзага келганлиги ҳақидаги ёзма билдиришнома (мохиятан бу ҳужжат даъвонинг ўзи) тарзида расмийлаштирилади. Эҳтимол, бу сиз банк билан тузган шартномада қайд этилгандир (Намунавий шартноманинг 8.1.4-банди 2-хатбоши, Низомга 2-илова).

Банк 3 кунлик муддатда кредитнинг кечиктирилган қисмини қоплашни ва фоизларни тўлашни ёзма равишда (сиз билан шахсий учрашувни лозим топмай) талаб қилган. Бироқ, у қарзни тўлаш учун белгиланган муддат ўтишини кутмай, тегишли даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ҳолбуки, бунгача кўрилган чора-тадбирлар (масалан, қарзни тўлаш талаб этилган даъво) зарур натижаларни бермаган тақдирдагина қонун ҳужжатлари кредитор банкка берилган ипотека кредитини ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин ундириш чора-тадбирларини кўриш имконини беради (Низомнинг 45-банди).

Банк, ҳар қандай бошқа шахс сингари, ўзига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишига кўра тасарруф этади (ФКнинг 9-моддаси 1-қисми). Бироқ, шу билан бирга қонун ижодкорининг белгилашича, ҳуқуқларни амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан

қа шахсга зарар етказишга, бошқа шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадида зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди (ФКнинг 9-моддаси 3–5-қисмлари). Яъни бу билан фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш чегараларини белгилловчи қонун оқилона ва адолатли бўлмаган ҳаракатни ҳуқуқни суиистеъмол қилишга тенглаштиради.

Банкнинг хатти-ҳаракатлари, фикримизча, судда ҳимоя қилиш ҳуқуқини суиистеъмол қилишда ифодаланган ва ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширилган. Бироқ натижада бундай ҳуқуқ қонун ҳужжатлари билан рухсат берилган доирадан чиққан, бу эса сизнинг ҳуқуқ ва қонуний

лиги яққол кўриниб турган даъволар юзасидан «пўк» ишларни кўришга вақт ва маблағ сарфлашга мажбур бўлган суд тизими ишида иш ва (ёки) шахсий вақтни кетказиш, жавобгарларга етказилган маънавий зарар, асоссиз давлат харажатлари судлардаги асоссиз даъволарнинг асосий муаммолари десак муболаға бўлмайди.

Муддатидан олдин ва шу билан асоссиз даъво вакилдорларча тақдим этган ҳолда судга мурожаат қилган банк суднинг меҳнати ва вақтини ҳамда суд харажатларини суиистеъмол қилибгина қолмай, сизни бекорга безовта қилиб, зарур асосларсиз куч ва маблағ сарфлашга мажбур этган. Қайд этганингиздек, шу сабабли юзага келган руҳий зўриқиш (салбий ҳолатни бошдан кечириш, безовталиқ ва руҳан қийналиш оқибати доим шундай бўлади) касалхонага тушишингизга сабабчи бўлган. Моҳиятан ўз вақилининг судга келишини (бунинг устига, би неча марта) таъминламаган даъвогарнинг айби билан суд иши кўрилмаган.

Дарвоқе, банк ипотека кредити бўйича қарзингиз йўқлиги ҳақида маълумотнома беришдан бош тортанганини исботлай олсангиз³, суд ушбу далил юзасидан ҳам сизга маънавий зарарни жавобгарнинг ҳисобидан қоплаб бериши мумкин. Бундай рад жавоби фуқаронинг қонуний манфаатларига дахлдор ахборотни олиш ҳуқуқини поймол этиши боис ҳуқуққа зид саналади ва шу билан ҳам унга маънавий зарар етказилади.

Нихоят, маънавий зарар қоплаш ҳақидаги даъво билан бир қаторда йўқотилган вақт учун банкдан суд тартибиди ҳақ ундириш талабини ҳам қўйишга ҳаққисиз. Сабаби инсофсизлик билан асоссиз талабларни қўйган ва (ёки) ишнинг ўз вақтида кўриб чиқиши ва ҳал этилишига мунтазам қаршилиқ қилиб келган тараф зиммасига суд амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин, у оқилона миқдорда белгиланади (ФПКнинг 115-моддаси).

Камол Музаффаров,
«Norma Online»
етақчи эксперти.



қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт; фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилди. Тадбиркорлар эса (тижорат банклари тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади) ўз ҳуқуқларини амалга оширишда иш одоби қондаларига² ҳам риоя этишлари керак. Бош-

манфаатларингизни бузган. Бунда банкнинг содир этилган хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатларига муносабати ғаразли шаклда ифодаланган бўлиши шарт эмас — ўзига бино қўйиш ёки эътиборсизлик кўринишида етарлича эҳтиётсизлигини намоён этишининг ўзи кифоя (ўзини бундай тутишдан мақсад манфаатларингизга зарар етказиш бўлмаса ҳам, объектив равишда уларга зарар етказган). Суд ФКнинг 9-моддаси 6-қисмига мувофиқ банкнинг даъво талабларини қондиришни, агар унинг ўзи улардан воз кечмаганда, рад этиши учун барча асосларга эга эди.

Судда ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаган ҳолда асоссиз-

¹Маънавий зарар етказувчининг айби борлигини талаб қилмайдиган истисноли ҳолатлар ФКнинг 1021-моддаси 2-қисмида назарда тутилган. Бироқ уларнинг сизнинг вазиятга алоқаси йўқ.

²Банк ходимларининг профессионал одоби кодексига назарда тутилишича, банклар, хусусан, мижозлар билан ўзаро ишонч, одоб ва амалий ҳамкорлик асосидаги муносабатларни ўрнатишлари, уларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва ҳар томонлама кўриб чиқишлари шарт; бунда банк ходимлари уларга нисбатан мулоий бўлишлари ва эътибор кўрсатишлари лозим. Шу аснода мижозларга нисбатан ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўйиб бўзмаслиги аниқ эканлиги шубҳа тугдирмайди.

³Фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлигини назарда тутинг (ФПКнинг 57-моддаси 1-қисми).

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиди рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теритиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 188. Қўзғаткичи — А3. Ҳажми — 2 босма табоқ. Баҳои нақлишдан нарҳда.
Буюртма 829. Адади 1 170. Газета 2017 йил 20 февраль соат 19.30 да топшириқди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30:
«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.